QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASIA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARI ISHTIROKIDAGI SHARTNOMAVIY MUNOSABATLAR VA ULARNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Bekniyazov Abat Jengisbayevich
Berdaq nomidaqi Qoraqalpoq davlat universiteti / e-mail: abat0207@mail.ru

Annotatsiya. *Mazkur maqolada qishloq xo‘jaligi sohasida tadbirkorlik subyektlari ishtirokidagi shartnomaviy munosabatlarning huquqiy tabiati, tasnifi va o‘ziga xos xususiyatlari tahlil qilinadi. Shuningdek, ushbu maqola orqali formal-yuridik, tizimli va qiyosiy-huquqiy usullar qo‘llanilib, O‘zbekiston fuqarolik qonunchiligi Fransiya va Germaniya huquqi, shuningdek Yevropa Ittifoqining agrar oziq-ovqat zanjiridagi nohalol savdo amaliyotlariga qarshi qoidalari bilan taqqoslanadi.*

Kalit so‘zlar: *shartnoma, tadbirkorlik subyekti, kontraktatsiya, shartnoma erkinligi, tabiiy tavakkalchilik, narx formulasi, nohalol shartlar, mahsulot sifati, fuqarolik-huquqiy javobgarlik.*

Abstract. *This article analyzes the legal nature, classification, and specific features of contractual relations involving business entities in the agricultural sector. Also, through this article, formal-legal, systemic and comparative-legal methods are used, and the civil legislation of Uzbekistan is compared with the law of France and Germany, as well as the rules of the European Union against unfair trade practices in the agricultural food chain.*

Keywords: *contract, business entity, contracting, freedom of contract, natural risk, price formula, unfair terms, product quality, civil liability.*

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор соҳаларидан бири бу аграр, яъни қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобланади. Ушбу соҳада бугунги кунда тараққиётнинг турли хил омиллари сабаб муайян иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ҳам бирмунча долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу борада, тегишли шартнома интизомига қатъий риоя этиш ҳам муҳим масалалардан бирига айланиб қолмоқда. Шу боисдан, императив нормалар асосида тартибга солинадиган фуқаролик қонунчилигида айнан қишлоқ хўжалигига оид шартномавий жараёнларни ҳам таҳлил қилиш бевосита тадқиқ қилиниши лозим бўлган долзарб муаммо десак муболаға

бўлмайди. Зеро, қишлоқ хўжалигида шартнома маҳсулотни сотишнинг ҳуқуқий шакли бўлиш билан бирга, ишлаб чиқаришни режалаштириш, ресурслар билан таъминлаш, молиялаштириш ва таваккалчиликларни тақсимлаш воситасидир. Экишдан олдин тузилган келишув етиштириладиган маҳсулот тури, унинг сифати, ҳажми ва реализация йўналишига таъсир қилади. Шу сабабли аграр шартномаларнинг сифати ишлаб чиқарувчининг даромадига ҳам, таъминот занжирининг барқарорлигига ҳам бевосита алоқадордир.

Ўзбекистонда мазкур масаланинг долзарблиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари муомаласида бозор механизмларининг ривожланиши билан кучаймоқда. Жумладан, 2025 йил 17 январдаги ПФ–7-сон Фармонда пахта хом ашёсини етиштириш ва реализация қилиш муносабатларида биржа ҳамда фьючерс ва форвард шартномаларига доир механизмлар белгиланган. Бу жараён шартномани ҳуқуқий квалификация қилиш, нархни шакллантириш ва ижро кафолатларини ўзаро мувофиқлаштириш масалаларини кун тартибига қўяди [3].

Фуқаролик ҳуқуқи фани учун асосий муаммо шартнома эркинлиги билан иқтисодий жиҳатдан заифроқ иштирокчини ҳимоя қилиш ўртасидаги мақбул нисбатни аниқлашдан иборат. Ишлаб чиқарувчи мустақил тадбиркор бўлсада, маҳсулотни сақлаш имконияти чекланганида ёки муқобил харидор топиш қийинлашганида унинг музокара имконияти пасайиши мумкин. Бундай вазиятда шартноманинг расман ихтиёрий тузилгани ундаги барча шартларнинг мувозанатли эканлигини англатмайди.

Мавзунинг яна бир долзарб жиҳати аграр таваккалчиликларининг ҳуқуқий оқибатларини фарқлаш билан боғлиқ. Ҳосилдорликнинг пасайиши, сув таъминотининг ўзгариши, маҳсулотни қабул қилишнинг кечикиши ва бозор нархининг тушиши бир хил ҳуқуқий ҳодисалар эмас. Уларнинг ҳар бирига нисбатан жавобгарлик, шартномани ўзгартириш ёки зарарни тақсимлаш масаласи алоҳида баҳоланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигига оид шартномавий муносабатларнинг ҳуқуқий тушунчаси ва таснифига ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу асосда, тадқиқот доирасида қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилади:

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги шартномавий муносабатлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш, ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш, молиялаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш мақсадида

вужудга келадиган, тарафларнинг мулкий мустақиллигига асосланувчи ҳамда биологик жараёнлар, мавсумийлик ва табиий таваккалчиликларни ҳисобга олишни талаб этадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир.

Ушбу таърифда «аграр шартнома» ягона мустақил шартнома тури сифатида эмас, иқтисодий вазифаси билан бирлашган шартномаларнинг умумлаштирувчи тушунчаси сифатида қўлланилмоқда. Шартномани аграр соҳага мансуб деб баҳолаш учун тарафлардан бирининг фермер эканлиги етарли эмас: келишувнинг предмети ва ишлаб чиқариш жараёни билан функционал алоқаси ҳам текширилиши керак.

Мазкур муносабатларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

Ишлаб чиқаришни таъминловчи муносабатлар: ресурс етказиб бериш, техника ижараси, лизинг, агротехник хизматларни ўзига олади ва ушбу муносабатни ҳуқуқий тартибга солишдаги устувор масала сифатида ресурс ёки хизматнинг агротехник муддатга мувофиқ тақдим этилишига эътибор қаратилади;

Маҳсулот ҳаракатини таъминловчи муносабатлар: ушбу муносабатларни тартибга солишдаги шартномаларнинг асосий кўринишлари сифатида контрактация, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, сақлаш ва ташиш шартномаларига ътибор қаратилади ва уни тартибга солишдаги устувор масала маҳсулотнинг сифати, қабул қилиниши, сақланиши ва тасодифий нобуд бўлиши хавфи билан бевосита боғлиқ саналади.

Молиявий ва ташкилий муносабатлар: ушбу муносабатларни тартибга солишдаги шартномаларнинг асосий кўринишлари кредит, суғурта, факторинг, биргаликдаги фаолият ҳисобланиб, бунда молиялаштириш мажбуриятлари ва таваккалчиликларни тақсимлаш масалалари ушбу турдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда устуворликка эгадир.

Ушбу таснифнинг амалий аҳамияти бир шартномадаги бузилишнинг бошқа муносабатларга таъсирини аниқлашда намоён бўлади. Масалан, уруғликнинг кеч етказилиши ҳосилни топшириш муддатига таъсир қилиши мумкин. Бироқ бундай таъсир маҳсулотни харид қилиш шартномаси бўйича жавобгарликни автоматик равишда истисно қилмайди; тарафлар таркиби, шартномалар ўртасидаги ҳуқуқий боғлиқлик ва сабабий алоқа текширилиши зарур.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларда энг кўп қўлланиладиган шартнома тури – бу контрактация шартномасидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 465-моддаси контрактацияда маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта

ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи тайёрловчи иштирокини назарда тутади. Кодекснинг 466–467-моддалари маҳсулотни топшириш ва қабул қилишга доир мажбуриятларни белгилайди. Контрактацияга тегишли ҳолларда маҳсулот етказиб бериш қоидаларининг қўлланилиши ҳам назарда тутилган [2].

Бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий хулоса шуки, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан боғлиқ ҳар қандай битимни контрактация деб аташ тўғри эмас. Ўзи етиштирмаган маҳсулотни қайта сотувчи воситачининг келишуви билан етиштирувчининг ўз маҳсулотини тайёрловчига топшириши ўртасида фарқ мавжуд.

Шартноманинг номи ҳам унинг ҳуқуқий табиатини узил-кесил белгиламайди. “Ҳамкорлик”, “кластер шартномаси” ёки “маҳсулот хариди” деб номланган ҳужжатда бир нечта шартнома элементлари бирлашиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳар бир мажбуриятнинг мазмуни, ижро навбати ва бузилиш оқибатлари алоҳида аниқланиши лозим.

Шу боисдан, ушбу тадқиқотнинг натижаси сифатида шартномани квалификация қилишнинг уч мезонини ажратиб кўрсатишў мумкин, яъни: маҳсулотни ким етиштириши, хариднинг мақсади ва тарафларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иштироки.

Таъкидлаш жоизки, шартномавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагилар билан тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, етиштирувчи технологик талабларни бажарган тақдирда ҳам ҳосил миқдори ва сифати тўлиқ унинг иродасига боғлиқ бўлмайди. Шунинг учун шартномада натижавий кўрсаткичлар билан бир қаторда тарафларнинг зарур ҳаракатлари — ресурс етказиш, агротехник тадбирлар ва ўз вақтида ахборот бериш мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланиши лозим.

Иккинчидан, оддий товар муомаласида қисқа кечикиш билан бартараф этилиши мумкин бўлган бузилиш аграр ишлаб чиқаришда бутун мавсум натижасига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли муддатни белгилашда фақат календарь сана эмас, агротехник давр ва ҳосилнинг етилиш ҳолати ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, айрим маҳсулотларда қабул қилишнинг кечикиши уларнинг қийматини кескин пасайтиради. Бунда қабул қилиш жойи, транспортни тақдим этиш вақти, совитиш шароитлари ва хавфнинг ўтиш пайти бир-бири билан мувофиқлаштирилиши зарур.

Тўртинчидан, агар сифатни фақат харидорнинг ўзи баҳоласа, ишлаб чиқарувчи натижани текширишда қийинчиликка дуч келиши мумкин. Шунинг

учун шартнома намуна олиш, лабораторияни танлаш, қайта экспертиза ва баҳолаш натижасига эътироз билдириш тартибини қамраб олиши керак.

Бешинчидан, аванс ёки ресурс олган ишлаб чиқарувчи маҳсулотни муайян харидорга топшириш мажбуриятини олиши мумкин. Бундай боғлиқликнинг ўзи ҳуқуққа хилоф эмас. Бироқ ресурс нархи, молиялаштириш ҳақи ва маҳсулот учун ҳисоб-китоблар алоҳида кўрсатилмаса, якуний тўловни текшириш қийинлашади.

Фуқаролик кодексининг 333-моддаси тадбиркорлик мажбуриятлари бўйича жавобгарликдан озод бўлишда енгиб бўлмайдиган кучнинг аҳамиятини белгилайди. Кодекснинг 383-моддаси эса вазият жиддий ўзгарганда шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш механизмларини назарда тутади [1].

Мазкур институтлардан келиб чиқиб, аграр муносабатларда уч ҳолатни фарқлаш таклиф этилади:

1. Олдиндан ҳисобга олиниши мумкин бўлган одатий ишлаб чиқариш таваккалчилиги.

2. Мажбуриятни бажариш имкониятига тўсқинлик қилувчи фавқулодда ҳолат.

3. Ижро имкони сақланган, бироқ шартномавий мувозанат жиддий ўзгарган ҳолат.

Ҳар қандай қурғоқчиликни автоматик равишда форс-мажор, ҳар қандай харажат ўсишини эса шартномани ўзгартириш асоси деб баҳолаш мумкин эмас. Ҳодисанинг кутилмаганлиги, унинг олдини олиш имконияти, муайян мажбуриятга таъсири ва таваккалчиликнинг кимга юклатилгани баҳоланиши керак.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил нуқтаи назаридан таъкидлайдиган бўлсак, Франциянинг EGalim 2 ислоҳоти аграр маҳсулотнинг биринчи сотувида ёзма шартномалардан фойдаланиш ва нархни шакллантиришда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш механизмларини кучайтирган. Тегишли тартиб маҳсулот тоифалари ва айланма кўрсаткичларига оид истиснолар билан қўлланилади. Нархни қайта кўриб чиқишда харажат ва бозор индикаторларидан фойдаланиш назарда тутилади; тарафларда формула ва индикаторларни танлаш имконияти сақланади [5].

Ўзбекистон учун ушбу ёндашувнинг қиймати барча маҳсулотларга ягона нарх ўрнатишда эмас, нархнинг қандай ҳисобланишини олдиндан текшириш имкониятини яратишдадир. Масалан, узоқ муддатли шартномада базавий

нарх, сифат устамаси, чегирмалар ва индексация манбаси кўрсатилиши мумкин.

Бироқ харажатни автоматик равишда харидор зиммасига ўтказиш ҳам мақбул эмас. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш рағбатини сусайтириши мумкин. Шунинг учун таклиф этиладиган формула бир хўжаликнинг назоратсиз харажатларига эмас, очиқ ва текшириладиган кўрсаткичларга асосланиши лозим.

Германия Фуқаролик тузугининг §307 нормаси умумий шартларда контрагентни виждонлилик талабларига зид равишда номақбул аҳволга солувчи қоидаларни назорат қилишга хизмат қилади. §313 эса шартнома асосини ташкил қилган ҳолатлар жиддий ўзгарганда, жумладан таваккалчиликнинг тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, шартномани мослаштиришни талаб қилиш имкониятини назарда тутади [6; 7].

Бу нормалар фақат аграр муносабатларга хос эмас. Уларнинг қиёсий аҳамияти тайёр шаклдаги шартларнинг мазмунини баҳолаш ва шартномани сақлаб қолишга йўналтирилган механизмларида намоён бўлади.

Миллий ҳуқуққа нисбатан чиқариладиган хулоса — мавжуд институтларни такрорлаш эмас, уларни аграр шартномалар учун амалий мезонлар билан тўлдириш заруратидир. Масалан, харидорнинг сифат мезонини ҳосил топширилгандан кейин ўзгартириши ёки текшириб бўлмайдиган хизмат ҳақини маҳсулот пулидан ушлаб қолиши алоҳида ҳуқуқий баҳолашни талаб қилади.

Шартномани мослаштиришда ҳам мувозанат сақланиши лозим: ишлаб чиқарувчининг барча зарарини харидор зиммасига юклаш ўрнига, ўзгаришнинг қайси қисми тараф назоратидан ташқарида бўлгани ва унинг оқибатларини камайтириш учун қандай чоралар кўрилгани текширилиши керак.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун эса аграр шартномаларни уларнинг номи эмас, мазмунига кўра квалификация қилиш, табиий ҳодиса билан мажбурият бузилиши ўртасидаги сабабий алоқани текшириш ва сифатга оид бир томонлама ҳужжатларни бошқа далиллар билан биргаликда баҳолаш тавсия этилади.

Ушбу таклифларнинг умумий мақсади ишлаб чиқарувчига барча таваккалчиликлардан озодлик бериш эмас, балки ҳар бир таваккалчиликни олдиндан аниқлаш, уни бошқара оладиган тараф билан боғлаш ва шартномавий мувозанатни сақлашдан иборат.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Биринчи қисм, 1995 йил 21 декабрь. Хусусан, 333, 354 ва 383-моддалар. LexUZ.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм, 1996 йил 29 август. Хусусан, 465–467-моддалар. LexUZ.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги ПФ–7-сон Фармони. Пахта хом ашёсини етиштириш ва реализация қилишга оид қоидалар. LexUZ.

4. European Parliament and Council. Directive (EU) 2019/633 of 17 April 2019 on unfair trading practices in business-to-business relationships in the agricultural and food supply chain // Official Journal of the European Union. — 2019. — L 111. — P. 59–72. EUR-Lex.

5. Ministère de l’Agriculture. *Tout comprendre de la loi EGalim 2*. Франциянинг аграр шартномалар, нарх ва ишлаб чиқарувчи даромадини ҳимоя қилиш механизмлари бўйича расмий шарҳи. Расмий манба.

6. Bürgerliches Gesetzbuch. §307 — Inhaltskontrolle. Германия қонунчилигининг расмий портали.

7. Bürgerliches Gesetzbuch. §313 — Störung der Geschäftsgrundlage. Германия қонунчилигининг расмий портали.

8. UNIDROIT; FAO; IFAD. *Legal Guide on Contract Farming*. — Rome, 2015. Қўлланма.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги 670–I-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1998. — 9-сон. — 170-модда. LexUZ.